



ТОШКЕНТ О'QSHOMI



ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

XVI сарфоси
Хаср
Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 96 (9.746) 2002 йил 16 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда

Энг Улуғ байрамга қозирлик

Вазирлар Маҳкамасида Мустақилликнинг ўн бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Х.Кароматов бошқарган мажлисда байрам тантаналарига тайёргарлик жараёни ва бу борада жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов мамлакатимизнинг мустақиллик майдонида ўтказиладиган асосий тантаналар сценарийси ҳақида ахборот берди.

Байрам томошалари дастурида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз сиймоси юксак бадиий ифодалар воситасида акс эттирилади. Санъатимизнинг янги-янги қирралари намоеён бўлади, ёш истеъдодлар кашф этилади, улуғ айём мазмун-моҳиятига мос замонавий куй-қўшиқлар, рақслар яратилади.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан байрам дастурида инсон қадр-қиммати, кекса авлод-

га кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, ўзбекона бағрикенглик ва меҳрибонлик, миллатлараро тотувлик каби қадриятларни тараннум этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу йил Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги ҳамда Нукуснинг 70 йиллиги кенг нишонланади. Байрам дастурида ушбу саналарга ҳам алоҳида эътибор берилди. Майдонга ўрнатилган улкан экранда истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар намойиш этилади.

Байрам тантаналари ер сунъий йўлдоши орқали элликдан зиёд мамлакатга тўғридан-тўғри узатилади.

Мажлисда вилоятларда ҳам истиқлол байрамини юқори савияда ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўриш зарурлиги уқтирилди. Ҳокимликлар, алоқадор ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

(ЎЗА).

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Суратларда

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти қошидаги «Хуқуқий маърифат» тарғибот марказида ёшлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Фуқароларимиз хуқуқий маданиятларини билдиларми?» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банкар Ассоциациясида Халқаро молия

корпорацияси билан ҳамкорликда банкар ходимлари иштирокида бўлиб ўтган анжуман миқозларга пластик карточкалар билан хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банк-молия академиясида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган «Мамлакатимиз ривожига ёш олимларнинг роли» мавзудаги анжуман Мустақиллигимизнинг 11 йиллигига бағишланди.



«Орзу-ош тузи» шўба корхонаси жамоаси сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни харидор дидига мос қадоқлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

СУРАТДА: қадоқлаш цехи ишчиси Мархабо Ҳунов ва ўзини пухта бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ТРАНСПОРТ

Метрочилар биринчи ўринда

Тошкент метрополитени рационализатор ва ихтирочиларининг самарали изланишлари ер ости темир йўли орқали аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда муҳим техник восита сифатида эътироф қилинмоқда.

Ер ости саройи цех ва участкаларида меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходимлар орасида ўзининг техник янгиликлари билан ажралиб турган вакилларининг изланишлари туфайли кўпгина ихтирочилик иши юзга келди.

Уларнинг бу ютуғи юқори баҳоланиб, кўриктанловда биринчи ўрин билан тақдирланди. Гап шундаки, «Тошхажрайўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан 2002 йилнинг олти ойлиги якунига бағишлаб ўтказилган тадбирда метрочи ихтирочиларнинг бу ажойиб меҳнати муносиб тақдирланди.

Ярим йиллик натижаси бўйича «2-автокомбинат» ҳиссадорлик жамияти иккинчи, «3-трамвай-троллейбус депоси» эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳали қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Акбар АЛИЕВ

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Техника асри ҳисобланаётган XXI асрда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга ошириш давримизнинг муҳим талабига айлангани шубҳасиз. Шу боис ҳам Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган.

Ёшларимиз камолоти йўлида

Шу боис ҳам деярли янги йўналишда иш бошлаган Тошкент ахборот технологиялари университетиде жорий ўқув йилидан бошлаб замонавий инфор-мацион технологиялар билан жиҳозланган 30 та кафедра фаолият юритадиган бўлди. Шунингдек, жорий йилда ташкил этилган янги Ахборот хавфсизлиги факультети ҳам талабаларни бағрига қорламоқда. Муҳими, ёшларнинг замонавий

техника сирларидан муҳаммал бохабар бўлишлари йўлида университетда Информацион технологиялар маркази ҳам ташкил этилганлиги айни мўддао.

Хулоса ўрнида шунга айтиш лозимки, ёшларимизнинг пухта билим олишлари йўлида мамлакат раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган бу ғамхўрлик, албатта, ўз самарасини беради.

(Ўз муҳбиримиз)

Рақиблар маълум бўлди

Жорий йилнинг кузида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган Осиё ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳ баҳсларида қайси терма жамоалар билан тўп суриши футбол муҳлисларига алақачон маълум бўлган. Мутахассислар томонидан «ўлим гуруҳи» деб номланган ушбу гуруҳда вакилларимиз Япония, Иордания, Баҳрайн терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар.

Кўни кеча эса Осиё футбол конфедерацияси куз ойларида уюштирилмайдиган 19 ёшли ўсмирлардан таркиб топган терма жамоалар иштирокидаги Осиё чемпионатида қўрға ташлаш маросимини ўтказди. Унга қўра иқтидорли мураббий Виктор Борисов етакчилигидаги ёшларимиз «А» гуруҳида Қатар, Жанубий Корея, Таиланд терма жамоалари билан голиблик учун кураш олиб боришади.

(Ўз муҳбиримиз)

Жаҳонда

● Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Факуллода ва Мухтор элчиси А.Аҳмаджонов Афғонистон ўтиш ҳукумати раиси Х.Карзайга ишонч ёрликларини топширди.

● **Кеча** Хиндистон ўз Мустақиллиги кунини нишонлади.

● **Кеча** Корея Республикаси ўз Мустақиллиги кунини байрам қилди.

● Афғонистон мудофаа вазири Муҳаммад Фаҳим мамлакатдаги барча қуруллар ҳукумат назоратига олинишига оид дастурни эълон қилди.

● Германия канцлери Герхард Шрёдер сув тошқинидан зарар кўрган Саксония аҳолиси билан учрашди.

● Сув тошқини боис Словакия пойтахти Братиславада факуллода ҳолат эълон қилинди.

● Туркия Бош вазири Эжевит Анкарада ҳукумат ва парламент томонидан ислохотлар дастури маълумлашни муносабати билан Европа Иттифокнинг мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши учун музокаралар бошлашга чакирди.

● Москва метросида Туркия ва Никарагуа фуқароларида босқинчилик ҳужуми содир этилди.

● Сомали қарқочлари Буюк Британия байроғи остида сузаятган кемани куч билан босиб олдилар. Унинг экипажи асосан украинлардан иборат эди.

● Шимолий Атлантика иттифокнинг харбий режалаштириш қўмитаси қарорига биноан шу йилнинг 30 октябрдан эътиборан НАТОнинг Европадаги ерда юрчи автомобили кулари штаби тарқатиб юборилди.

● Япониянинг Торисима оролида (Токиодан жанубда, денгизда жойлашган) 63 йилдан бери уйқуда ётган Ио вулкони шу ҳафтадан бошлаб яна уйғонди.

● **Бугун** Португалия пойтахтида қилибозлик бўйича жаҳон чемпионати бошланади. Лиссабон шаҳрига 80 мамлакатдан 750 га яқин энг кучли рапирачи, қилибоз ва шамширқалар муسابоқа катнашиши учун ташриф буюришди.



ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Ҳар йили август ойининг учинчи ҳафтасида пойтахтда Ўзбекистон қўшиқ байрамининг якунловчи босқичини ўтказиш аънавага айланган. Мухбиримиз ушбу санъат шодиёнасига кўрилатган тайёргарлик ҳақида Маданият ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Эркин ЭРНАЗАРОВ билан суҳбатлашди.

Ватанни кўйлаш қувончи

— Мана, Ўзбекистон қўшиқ байрами еттинчи мартаба ўтказилмоқда. Бу тадбирнинг қўшиқчилик санъатимизни, маданиятимизни, қолаверса умуман маънавиятимизни ривожлантириш ва юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Буни бир сўз билан ифодаламоқчи бўлсак, Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисидаги Низомни ёдга олиш ўринли. Яъни «Ўзбекистон — қўшиқ байрами келажакда буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳридарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбига муқаддас Ватан тупроғини, Мустақиллиқни кўз қорачиқидай асраб-авайлаш, бунинг учун керак бўлса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият туғдириш мақсадида ўтказилади».

Агар биз бугун халқимизнинг энг Улуғ, энг Азиз байрами — Мустақиллик кунини, Наврўз байрамида баралла янграётган, қалбларни жунбуга келтираётган куй, қўшиқларнинг таржимаи холи билан танишсак, уларнинг кўпчилиги ана шу Ўзбекистон қўшиқ байрамида дунёга келганига амин бўламиз. Бутун мамлакатнинг беқиёс сахнаси нафақат янги асарларни, балки қўшиқчилик санъатида ўз мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олган янги истеъодларни кашф этмоқда. Уларнинг ҳаммасини номна-ном санаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак.

Фикримизча, Ўзбекистон қўшиқ байрамининг янада улкан хизмати минг-минглаб мусиқага, ашулага ҳавасмандларнинг ёши, касби қоридан қатъи назар санъат билан дўстлаштиришдир. Бугун дала шийпониди, маданият уйи ёки мактаб сахнасида кўйлаётганларнинг албатта, профессионал ижрочи, хонанда бўлиши шарт эмас. Мусиқа сەҳри, қўшиқ жозибаси инсонни эзгуликка, гўзалликка етаклайди, унга руҳий мадад, маънавий озик, хуш кайфият бахш этади.

Кўрик-танловларда томоша залларини тўлдирган минглаб мухлислар она-юртини, Ватанини, халқини севиб кўйлаш, мадҳ этиш ҳаваскор ижрочи ҳам, профессионал хонанда ҳам катта қувонч ато этаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдалар.

— **Пойтахтдаги якунловчи босқичда қўшиқ санъатимизни томошабинлар ҳукмига ҳавола этишга кимлар муяссар бўлди?**

— Қўшиқ байрами Низомига мувофиқ, маълумки, у икки босқичда ўтказилади. Биринчи, саралаш босқичи меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, ҳарбий қисмларда бошланиб, сўнг туманларда, шаҳарларда, вилоятларда бўлиб ўтди. Биздаги маълумотларга кўра фақат Маданият ишлари вазирилик тизимидаги ташкилотларда қўшиқ байрамининг бошланғич қисмида 200 га яқин ҳаваскор ижрочилар иштирок этдилар.

Аънавага кўра Ўзбекистон қўшиқ байрами, шунингдек, Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазириликлариди мустақил ўтказилди.

Маданият ишлари вазирилик тизимидаги кўрик-танлов якунига кўра Самарқанд ви-

лоятдан Турсунои Жўраева «Ватан сотилмас» кўшигини ижро этиб, биринчи ўринни эгаллади. Ҳайъат сирдарёлик Дилрабо Алибекова, навоийлик Ойдин Алиева, андижонлик Маҳзуна Ёкубова, пойтахтлик Мирзааҳмад Қодиров, Қашқадарё вилоятининг «Гулшан», Фарғонанинг «Анор» ашула ва ракс ансамблларининг ижрочилилик маҳоратларини ҳам юқори баҳолади.

— **Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танлови доирасида ижро этилаётган куй, қўшиқлар мазмуни, савияси, мундарижаси ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Қўшиқчилик санъатида бугунги кун руҳига мос эстрада йўналиши билан жуда халқчил, миллий, фольклор асарлар кўпайиб бораётганлиги эътиборга сазовордир. Албатта, бунда айниқса Наврўз умумхалқ байрамининг таъсири кучли бўляпти.

Мумтоз асарлар, халқ оғзаки ижодининг бебаҳо хазинасига меҳр билан мурожаат, айниқса илк бор ўтказилган «Бойсун баҳори» фольклор байрамида, аънавий фольклор ва этнографик жамоаларининг республика кўрик-танловида яққол намоён бўляпти.

Шу билан бирга Ўзбекистон қўшиқ байрами доирасида ижро этилаётган барча қўшиқларни бугунги кун талабига жавоб берадиган асарлар, дейиш ҳақиқатдан йироқ бўларди. Қатор ижрочилар, бадиий жамоаларнинг шоирлар, бастакорлар билан ижодий ҳамкорлиги қалин эмаслиги сезилиб қолмоқда. Ўткнчи, зўрма-зўраки қофиялаштирилган, мазмуни сазё қўшиқлар, қалбдан кўра кўпроқ кулоқни қоматга келтирадиган мусиқа, афсуски, ҳамон ижрочилар дастуридан ўрин олган.

Аслини олганда қўшиқ байрами куй ва ашулаларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб берадиган маҳорат синови ҳамдир. Шунинг учун кўрик-танлов якунлари Маданият ишлари вазириликда ҳам, умид қиламизки, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмаларида ҳам жиддий таҳлил этилади, тегишли хулосалар чиқарилади.

— **Кўшиқ байрамининг бу йилги якуний босқичи қандай ўтказилди?**

— Маданият ишлари вазириликда бу катта санъат байрамини ўтказишга тайёргарлик кўрувчи ишчи гуруҳи, якунловчи босқич ғолибларини аниқлаб берадиган таниқли шоир ва бастакорлар, санъаткорлардан иборат ҳайъат ташкил этилган. Кўрик-танловнинг якунловчи босқичи ғолибларининг гала-концерти 18 августда Халқлар Дўстлиги саройида ўтказилиши режалаштирилган.

Қўшиқ байрамининг доираси бу сахналар билан чегараланиб қолмайди, албатта. Август ойининг учинчи ҳафтасида нафақат пойтахтдаги, балки республикамиздаги маданият уйлари, клублар, боғлар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмларда куй қўшиққа уланиб, Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги мадҳ этилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон қўшиқ байрамига барча санъат мухлисларини таклиф этамиз.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Янги цех иш бошлади

«Пресс-с-я» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларининг тинмай изланишлари боис ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва хизмат кўрсатиш сифати ҳам ортиб бормоқда. Корхонада яқинда электромоторларни таъмирлаш цехи иш бошлади. Цехда меҳнат қилаётган малакали мутахассисларнинг меҳнатлари билан мижозларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Уларнинг буюртмалари тез ва соз бажарилмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА

Ўз вақтида етказилади

Мактаб ўқувчиларининг сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлақонли равишда таъминлаш шу куннинг долзарб талаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада пойтахтимиздаги бир нечта нашриётлар самарали фаолият олиб боришга ётгани қувонарли ҳол, албатта.

Республика Халқ таълими вазириликнинг буюртмасига биноан «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси ҳам жорий йилда мактаб ўқувчилари учун 793 номда дарсликлар чоп этишга киришди. Қувонарли жиҳати шундаки, биринчи синф ўқувчилари учун 91 номда дарсликлар ҳамда ўқитувчилар учун қўлланмалар сифатли, қалин муқоваларга тайёрланмоқда. Жорий йилдан мактабларнинг 9-синф ўқувчилари учун тайёрланган дарсликлар ижарага берилмоқда бўлди. Таълим соҳасидаги ушбу ислохот самара беришига шубҳа йўқ. Мухими дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари ўқувчиларга ўз вақтида етказилади.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент фармацевтика институти талабалари орасида изланувчан ёшлар кўп. Бундай иқтидорли талабалар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлардан бир нечтаси энг яхши изланиш деб топилди.

Талабалар тақдирланди

Гап шундаки, жанубий Қозогистон Давлат тиббиёт академиясида ўтказилган халқро анжуманда институтининг бу каби иқтидорли вакиллари ҳам фаол қатнашдилар. Х. Комилов томонидан қилинган илмий чиқиш айниқса, яхши баҳо олди. «Мўмиё эритмасини пуркаш йўли билан қуритиш технологиясини ўрганиш» деб номланган бу маъруза анжуманда биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Иқтидорли талаба И. Чублукованинг ванадилнинг пиридинмонкарбон кислотасига доир изланишига эса учинчи фахрий ўрин берилди.

Ғолиблар маърузалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Савдо ускуналари тайёрланмоқда

Мамлакатимизда замонавий ва шинам, харидорлар талаби асосида намунали хизмат кўрсатаётган савдо шохобчалари — супермаркет ва минимаркетлар сафи ортиб бормоқда. Уларни замон талаблари асосида жиҳозлашда эса пойтахтимизда бундан икки йил аввал фаолиятини бошлаган «Назиров А» хусусий фирмаси тадбиркорларининг ўзи га хос ҳиссаси бўлмоқда.

Ушбу корхонанинг 25 нафарга яқин ишчи-хизматчиларининг самарали меҳнатлари эвазига жамоада ишлаб чиқарилаётган савдо жиҳозлари ва идора мебелларининг тури 40 тадан ҳам ортиб кетди. Шуниси эътиборлики, яқна буюртмалар асосида ҳам ҳар бир маҳсулотнинг дизайни устиди изланишлар олиб борилади. Шу боис бўлса керак ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажми 5 бараварга ўсди. Бунинг асосий боиси харидор сонининг ортиб бораётгани, маҳсулот кўриниши ва сифатига катта эътибор қаратилаётганидир.

Яқинда ушбу корхонада яна бир янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Бу икки метр узунлидаги музлатгичли витринадир. Унинг афзаллиқ томони шундаки, қўйилган маҳсулотни ўрта хароратда сақлаб туради. Янги маҳсулот турининг асосий бутловчи қисми Италиядан келтирилган бўлиб, ташқи қисми корхона мутахассислари томонидан тайёрланди. Шунингдек, ичимликлар ва қандолат маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган музлатгичли шкаф ҳамда озик-овқат маҳсулотлари учун музлатгичли камера ишлаб чиқариш ҳам бошлаб юборилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ювиш ва тозалаш воситалари

Шаҳримизнинг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Хабигул» хусусий фирмасида иккиламчи хом ашёдан ювиш ва тозалаш воситалари ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулот турлари шуниси билан ажралиб турадики, уларни тайёрлашда табиий, инсон соғлиғига зарари йўқ, экологик тоза ўт-ўланлардан ҳам фойдаланилади.

Харидор эътиборини қозониш мақсадида маҳсулот сифатига эътибор қаратиш билан бирга, қадоқлинишига ҳам аҳамият катта. Улар полиэтилен кути ҳамда пластмасса идишларда харидор имконияти даражасида қадоқланмоқда. Корхона тадбиркорлари мамлакатимиздаги 100 дан ортиқ савдо шохобчаларига шартнома асосида маҳсулот етказиб беради. Улар ҳозирда маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш устиди изланишмоқда. «Покиза» деб номлангандаги тозалаш воситасининг суюқ тури (гель) ана шундай маҳсулотлардан бири бўлади.

— Ушбу янги тозалаш воситамиз харидорларга маъқул келадиган умиддамыз, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор аёл Гулчехра Хабибулина. — Албатта, хорижийликдан қолшмайдиغان маҳсулотларимизнинг янги ва сифатли турларини қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш режаланмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



Душанба

19

8.00 «Ассалом, Ӯзбекистон!»
8.00-8.45 «Ташқиннома»
8.45, 17.55 ТВ маркет
8.50 «Юзбектеlevision» ном...

21.10 «Эсмэралда» Телесериял
21.45 Олтин мерос
22.00 Даар
22.40 «Муборбат ҳақаси»

17.15 Курсутулар тартиби
17.20 ТТВда сериал «Генесешу»
17.40, 19.10, 22.15 «Экспресс телегазетаси»

16.55 Ғача профилактика ишлари
16.55 Достурнинг очилши
17.00 Шоу соати
17.40, 20.35 — Телехамкор

5.10 «PTP экспертзаси»
5.20 «Миллий даромад»
5.25 Хабарлар — спорт
5.30 «Оилавий янгиликлар»

9.00 «Бугун»,
9.25 «Юлалштириш»
9.55 «Бир-бирига мос кужул»

9.35 «Виншутши» мультсериали
10.00 «Инспектор Гаджет»

14.30 «О, омадди» Шоу
15.30 «Кўш алоҳ» Жангари фильм

Сешанба

20

6.00 «Ассалом, Ӯзбекистон!»
8.00-8.35 «Абзорот»
8.35, 17.55 ТВ маркет

23.15-23.20 Ватан тисмоллари
8.55 Курсутулар дастури
9.00 Даар
9.15 «Янги авлод» почтаси

17.15 Курсутулар тартиби
17.20 ТТВда сериал «Генесешу»
17.40, 19.15, 22.15 «Экспресс телегазетаси»

10.15 «Ботрилар» Сериал
10.40 «Жангир сиват оламан» Спорт дастури

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30
«Бугун»
5.05-7.50 «НТВда тон»

7.50 «Полициячилар: хавфли варақча» Телесериял
8.25 Миллий даромад

9.30 «Виншутши» мультсериали
10.00 «Инспектор Гаджет»

14.30 «О, омадди» Шоу
15.30 «Ойналар» Тоқ-шоу
19.00 «Ойналар» Тоқ-шоу

Чоршанба 21

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Айборт» 8.35, 17.55 ТВ маркет 8.40 Газетлар шарҳи 9.00 «Ўзбекистоннинг нақоши»... Жаҳонни забт этган соҳиб...

21.25 «Ўзбекистон - Ватаним манови» 21.40 «Ўзбекистон» каналда ижт. маркази «Ошан» Телесериял премьераси 22.10 «Парламент вақти»...

20.00 Спортлото 20.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 11 йилгига «Бу менга Ватаним» туркуми...

9.00 Дастурнинг оғилши 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор» 9.30, 14.10 — Болалар соати...

3.50 — 7.00 РТРда тонг 4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар 4.10 «Православ тақвими»...

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун» 5.05-5.50 «НТВда тонг» 7.55 «Полциячилар қилиш нэ»...

8.00 «МЭШ» Телесериял 8.30 «Икс-мен» Мультисериал 9.00 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар»...

13.30 Мулфилем «Саргасима сирлидаги майлун» 13.45 Теледуйн 14.30 «О, омадлик!» Шоу...

Пайшанба 22

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Айборт» 8.35, 17.55 ТВ маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

8.55 Кўрсатувлар дастури 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келин танхашайки»...

17.15 Кўрсатувлар тартиби 17.20 ТТВда сериял «Генессшоу» 17.40, 19.15, 22.20 «Экспресс»...

5.00 «Хайри тонг» телеканали 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар 8.15, 17.15 «Оилавий ришталар»...

3.50-7.00 РТРда тонг 4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар 4.10 «Православ тақвими»...

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун» 5.05-5.50 «НТВда тонг» 7.50 «Полциячилар қасос»...

8.00 «МЭШ» Телесериял 8.30 «Икс-мен» Мультисериал 9.00 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар»...

12.35 «Қачи-Қачи» Мультисериал 13.00 «Тинч кувноқ оиласи» Телесериял 13.30 Мулфилем «Кўжол»...

Яккасарой туманидаги 1-сонли ва Сергели туманидаги 3-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимида нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади.

Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига биноан куйидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг раҳбарлик лавозимида танлов эълон қилади.

1. Тошкент Автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицей.

2. Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Тавсиянома;
3. Сўровнома;
4. Таржимаи ҳол;
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 4x4 ўлчамли 4 дона фотосурат;
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрини шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ 2002-2003 Ўқув йилига куйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

1. Тикувчилик ишлаб чиқариш устаси.
 2. Маиший машина ва асбобларни таъмирлаш бўйича уста.
 3. Сартарошлик санъати ва декоратив косметика бўйича уста.
 4. Умумий овқатланиш кичик технологи.
- Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. Таълим муассасаси директори номига ёзилган ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси.
3. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.
4. 3x4 сантиметр ҳажмдаги 4 дона фотосурат.
5. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома.
6. 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларда таҳсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла кўмитасидан маълумотнома.

Манзил: 700098, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, 20-уй. 82, 42, 43, 100-автобуслар; 27, 18-трамвайлар; 10, 25-троллейбусларнинг Қорақамиш 1/2, 1/4 бекатлари.

Тел.48-68-59

Болаларнинг чекишига қаршимиз

БАТ ЎЗБЕКИСТОН: ТАШАББУСНИНГ ДАВОМИ

Бритиш Американ Табако Ўзбекистон вояга етмаганлар орасида чекишни тақиқлашга қаратилган ўз фаолиятидаги навбатдаги муҳим қадам тўғрисида хабар қилди.

Бу халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари билан биргаликда амалга оширилаётган дастурнинг иккинчи бос-

Ўзбекистон кенг оммага таниш бўлган «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» тарбиявий-таълимий дастурга ташаббускорлик қилганда равшан бўлган эди. Бу дастур Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда мамлакат мактабларида муваффақиятли равишда жорий қилинмоқда. Ноёб ўқув кўланмалари ранг-баранг бе-

Биз сигаретларни 18 ёшга етмаганларга сотмаймиз

Biz sigaretlarni 18 yoshga yetmaganlarga sotmaymiz



қ и ч и д и р .

Бу дастурнинг биринчи босқичи ўтган йилнинг май ойида бошланган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг пойтахтида жойлашган юзта савдо нуқталарида балоғатга етмаганларга сигарет сотишни тақиқлаш жорий қилинган эди.

Бритиш Американ Табако Ўзбекистон ўзи ўтирган шохни кесиб ташлаётганмикан? Аслида бу ерда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Компания ҳар доим ва ҳар ерда ҳам ушбу мустақам қоидага амал қилади: чекиш — бу етук кишининг онгли танловидир ва вояга етмаганлар чекмасликлари керак. Тамаки компаниясининг бозори — фақат етук истеъмолчилар бўлиб, унинг бутун фаолияти — тайёр маҳсулотни тақсимлаш ва ўтказиш ҳам мутлақо вояга етган истеъмолчиларга қаратилган.

Қўшма корхона тadbирининг пировард мақсадларидан бири— тамаки маҳсулотларини болалар ва ўсмирларнинг сотишини ҳамда истеъмол қилишларини тақиқловчи қонуннинг қабул қилинишида ташаббус кўрсатишдир.

Бундай қонуннинг қабул қилинишининг ҳаётий зарурлиги 1998 йилдаёқ, БАТ

закли материаллар билан мустаҳкамланган, ўқитувчилар ва ўсмирлар учун тренинглар билан бойитилган дастур умумтаълим мактаблари доирасидан ташқарига чиқди ва ҳозир Ўзбекистоннинг кўпгина коллеж ва лицейларига мосланмоқда.

Вояга етмаганларга тамаки маҳсулотларини сотишни тақиқлаш тadbирининг иккинчи босқичи Тошкент ва Республикаимизнинг 12 ҳудудидаги 700 та савдо нуқталарида Бритиш Американ Табако Ўзбекистон ташаббусининг асосий ҳосяларини акс эттирувчи кўринма реклама белгиларини тарқатишни назарда тутди. Республика ва вилоят матбуот нашрларида, радио ва телевидениеда кенг қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

180 та мамлакатда 80000 нафардан ортиқ ходимлари ишлаётган халқаро компаниянинг яна бир ташаббуси — унинг қўшма корхонаси «ЎзБАТ А.Ж» мустақил Ўзбекистон Республикасининг фаол масъул корпоратив фуқароси бўлиб келганлиги, ҳозир ҳам шундай ва кейин ҳам шундай бўлиб қолишининг яққол намунаси-дир.

THE TOBACCO INDUSTRY



AGAINST YOUTH SMOKING

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Алп Жамол банк» ҳусусий очик акционерлик-тижорат банки

Сизларни МУСТАҚИЛЛИК байрами билан қизгин табриклайди! Оилангизга бахт, тинчлик-хотиржамлик, улкан зафарлар тилайди!

Азиз юртдошлар «Алп Жамол Банк» ХОАТБ бошқаруви ушбу улғу байрам арафасида банкимизда, Сизлар учун ажойиб «МУСТАҚИЛЛИК» деб номланувчи муддатли омонат тури очилганлигини маълум қилади.

- Омонат тури — муддатли
- Омонат муддати — 90 кун
- Омонат бўйича тўланадиган фоизлар — 54 фоиз (йиллик ҳисобда)
- Омонатнинг энг кам миқдори — 100000 сўм
- Мазкур омонатга маблағлар 2002 йилнинг 30 августига қадар қабул қилинади.

«Алп Жамол Банк» — Сизнинг даромадингизнинг кўпайиши тарафдори

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, М. К. Отатурк кўчаси, 21-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 132-16-00, 132-16-01, 136-79-58.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Ёшликда ким илм нулларини терса, кексайганда яхшилик уруглари сепеди.

● Бадмаст улфат — даврага кулфат.

Хикмат:

Узоқ умр кечирган бир кексадан сўрадилар:

— Ҳаётда нима орттирган яхши?

Кекса жавоб берибди:

— Дунёда икки нарсанинг заволи бўлмайди: биринчиси— эзгу-ният, иккинчиси— яхшилик. Эзгу-ният орзу, бахт-саодатга йўл очади, яхшилик эса парварши қилинган боғдек албатта ўз хрсилини беради.

● Қўлингдан келса душманингга ҳам яхшилик қил. Зора у дўстга айлиб қолса.

● Беморлар табибдан нажот толганидек инсон боласи меҳрдан камол толади.

Хикмат:

Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон кишилардан кутинглар. Шунда сиз улардан умид қилган марҳаматга эришасизлар. Топбағир, қаттиққўл, бераҳм одамдан зинҳор яхшилик кутманг. Олло Таоло яхшиликни яратганда унинг ўз ақлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса албатта мақсадида эришади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қўйиб юборилса, у ер қанчалик яш-наб, ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказади. Бу дунёдаги яхши кишилар охирадта ҳам яхшилар қаторида тургай.

Байт:

Яхшилар кетидан агар чопарсан,

Истагинг, бахтингни шундан топарсан.

● Гаразгўйлик кишилардан энг муқаддас тўйгулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликка муҳаббатни ҳам тортилади.

● Чексиз алам-ситамлар ҳамisha гаразгўйлик меваси.

● Йўқ нарсага қайғурмайдиган эмас, аксинча борига қувонадиган одам донодир.

● Тежамкор одам ҳаммадан бой, қизганчиқ эса — ҳаммадан камбағал.

● Тежамкорлик — фаровонликнинг муҳим манбаи.

● Тежамкорлик доноликнинг қизи, қаноатнинг синглиси ва эркинликнинг онаси.

Байт:

Сахий дема саховатига

Бирор талаб қўйса гар одам.

Сахийликмас, бу савдогарлик,

Бунда йўқдур шараф ва қарам.

● Кибр ва ғурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадру, безътибор қилади.

● Донолар айтади:

— Тўрт нарса тўрт нохушликни келтириб чиқаради: худбинлик — расволикни, сергазаблик — пушаймонликни, такаббурлик — душманликни, ношуқрлик — хорликни.

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

● Худбинлик инсонни заволга, камтарлик эса камолга олиб келади. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Камтарлик эса эл орасида шараф келтиради. Эй азиз, агар инсон бўлай десанг худбин бўлма. Йўқса, ўз жонингн хатарга ташлаган бўласан. Агар улғуйликни хоҳласанг, камтарлик йўлини тут.

● Инсон ўзини бошқалардан ортқ деб билмаслиги, ўзини ақли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолийқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлгинки, булар — худбинлик аломатлари.

● Хикмат:

Ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама. Эҳтимол уларнинг кўриниши аянчли бўлса-да, вужуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Зеро, улғулар «Ҳар кечани қадри бил, ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил», деб бежиз айтмаганлар.

Байт:

Тулқидек айёрлик инсонга ётдир,

Майда чақа бўлиш уят, исноддир.

ДОНИШМАНДЛАР ҲАЗИНАСИДАН

Бу сўзни эшитган кувалик баҳил ўрнидан тураркан: «Инсоф билан айтганда, бу борада сенга тенг келадиган киши ҳали туғилмаган бўлса керак. Оланинг барча баҳилларига сардор бўлсанг арзийди», деб хайрлашиб жўнаб кетди.

- Е амир, сен мени ўлимга буюрмаслигинг лозим, зероки, менинг сенда ҳаққим бор!
- Сени менда қандай ҳаққинг бор?
- Фалончи кўпчилик ичда сени ҳақорат қилган эди, аммо мени бу ишдан қайтарган эдим.
- Сўзингни ростилига гувоҳинг борми?
- Бор, — деди асир ва асирлар ичдан бир кишини кўрсатиб, — мана бу киши ўша ерда ҳозир эди.

Муҳаммад Авфий Жавомий ул-Ҳикоёт

Ҳажжоз у кишини қақриб сўради: «Сен қандай гувоҳлик берасан?»
— Бу киши рост айтадур, мен ўша ерда эдим.
— Ҳўп, сен ҳам ўша ерда экансан, нима учун сен ҳам мени тарофимни олмадинг?
— Мен сени душман деб билардим.
Ҳажжоз ҳар икки асирни, бирини ўзида ҳақи борлиги сабабли, иккинчисини ростгўйлиги ва сидқидиллиги учун озод қилди. Чунки, бузруклар дебдурларким: «Агар ёлгон кишиларни балолардан қутқарса, рост сўзламоқлик, аввало мушқул аҳволда қолганларга нажот беради».

Қуфа шаҳрида бир баҳил киши бор эди. Хасисликда тенги йўқ ва баҳилликда овозаси оламаг тарқалган эди. Бир кун унинг олди-га одамлар келиб, шундай дедилар: «Басра шаҳрида давлатманд ва катта сармоюдор бир одам бор. Аммо баҳиллик ва хасисликда сандан минг чандон ортмоқдур».

Қуфалик баҳилининг баҳилга ҳасади келди ва бориб кўришга аҳд қилди. Унинг олдида боришдан мақсади, баҳиллик ва хасислик илмини янада кўпроқ ўрганиб қайтиш эди. Ниҳоят, Басрага бориб, баҳилни топди ва унга ўзини танитди: «Сенинг олдинга келишдан мақсадим, сандан фойдала сабоқ олмақдур», деди.

Басралик баҳил қуфалик баҳилининг қилмишидан ачинди ва унга илтифот кўрсатиб: «Мени уйимни ўз уйингдек фараз қила бер, энди бир оз сабр қилсан, токи сени меҳмон қилиш учун бозорга бориб, зиёфат тадоригини қилайин ва гунгогун таомлар келтирайин», деб бозорга кетди.

Баҳил новвойихонага кириб, новвойдан сўради:

— Яхши пишган нонинг бор?

— Бугун яхши нон ёлганман, худди сариёғдек мазалик...

Баҳил, нондан кўра сариёғ мазалирокдур, — деб баққол дўкони томон юрди. Баққол дўконига бориб, баққолдан сўради:

— Яхши сариёғинг борми?

— Бугун ажойиб сариёғ сотиб олганман, чунки, зайтун ёғидан минг марта яхшироқдур.

Баҳил, аслида зайтун ёғи сариёғдан яхшироқдир, деб бошқа баққолнинг дўконига бориб, ундан: «Сенда зайтун ёғи борми?» деб сўради.

— Зайтун ёғи олиб келганман, аммо ундан кўра сув минг марта тиниқ ва тозароқдир...

— Жуда тўғри гапирдинг, мен исрофгарчиликка йўл қўя олмайман. Зероки, уйимда бир эмас, икки хум тула сувим бор, — деб баҳил уйига қуруқ қайтиб келди.

Қуфалик баҳил таом емак умидида интизорлик билан кутарди. Шу пайт басралик баҳил бозордан келиб қуфалик баҳилга қараб: «Шу дейман... биродар, бозорда таомларни жуда сифатсиз тайёрлайдилар-да, уйдагига нима етсин... Уйимда-ку бор, аммо у ҳам бўлса — сув», деди.

«Қ» ҳарfli бошқотирма


Ёйлар бўйича: 1. Камеб чўл жонивори. 2. Рўзгор буюми. 3. Мукамал лугат наشري. 4. Атоқли адиб, романчилигимиз асосчиси. 5. «Юлдузли тунлар» романи муаллифи. 6. Пўсти оқ тусли шимол дарахти. 7. Сув транспорт воситаси. 8. Фаргона вилоятидаги шаҳар. 9. Бинолар бунёд этиш соҳаси. 10. Ёзув қуроли. 11. Кумушсимон оқ тусли металл. 12. «Алпомиш» достони қаҳрамони. 13. Шоҳли йирик чорва ҳайвони. 14. Парранда аъзоси. 15. Биринчи ўзбек овозли фильми. 16. Полиз экинчи.

Муаммонома

- Очқич сўзлар:** 1. Қуруқ мева — 6, 7, 8, 7, 9. 2. Дунё томони — 10, 2, 4, 5. 3. Қирғизистоннинг ўш вилоятидаги шаҳар — 17, 16, 14, 2, 3. 4. Экиндан олинадиган унум — 12, 7, 13, 1, 11. 5. Қадимда шоҳларнинг зийнатли бош кийими — 15, 7, 19. 6. Вақт ўлчови бирлиги — 18, 1, 11. 7. Энди жавоблар асосида шахт атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммоноmani ҳал этиб қомусий олим Абу Райхон Беруний меросига мансуб ҳикмати билиб олинг.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА



Газетанинг шу йил 9 август сонида берилган «Б» ҳарfli бошқотирманинг жавоблари:

- Ёйлар бўйича:** 1. Байт. 2. База. 3. Барн. 4. Бахт. 5. Бета. 6. Берн. 7. Беҳи. 8. Беда. 9. Бўка. 10. Бўри. 11. Боку. 12. Бола. 13. Бокс. 14. Бону. 15. Баҳо. 16. Бахс. 17. Бива. 18. Бино. 19. Буга. 20. Бува.

Муаммонома

- Очқич сўзлар:** 1. Бурч. 2. Баҳши. 3. Байроқ. 4. Банорас. 5. Баргак. 6. Бадал.

Хикмат:
Айди: «Халқ ичра бу бир касбдур,
Касбни бошингга кийсанг насбдур.»
ГУЛХАНИЙ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилмииз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усундида босилди.
8332 нусхада босилди. Қўбоғи биринчи А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Узбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақими билан рўйхатга олинган

Наشري етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардан почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.